

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.04/30.12. 2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВА САДОКАТ ОДИЛОВНА**

**БОЛАЛАРДА ЦЕРЕБРАЛ ИНСУЛЬТ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ КЛИНИК-  
ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2020**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
медицинским наукам  
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Назарова Садокат Одиловна**

Болаларда церебрал инсульт патогенезининг клиник-генетик  
хусусиятлари..... 3

**Назарова Садокат Одиловна**

Клинико-генетические особенности патогенеза церебральных  
инсультов у детей..... 23

**Nazarova Sadokat Odilovna**

Clinical and genetic features of the pathogenesis of cerebral strokes in  
children..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.04/30.12. 2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВА САДОКАТ ОДИЛОВНА**

**БОЛАЛАРДА ЦЕРЕБРАЛ ИНСУЛЬТ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ КЛИНИК-  
ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib569 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Шамансуров Шаанвар Шамуратович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Маджидова Якутхон Набиевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Муратов Фахмитдин Хайритдинович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz).)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Х.А. Акилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.Г.Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда болаларда ўткир цереброваскуляр патологиянинг долзарблиги, унинг кенг тарқалганлиги, ногиронликнинг юқори даражаси ва келгусида когнитив етишмовчилик юзага келиши тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб, болалар инсулти билан касалланиш ҳолатлари дунё бўйича 100000 нафар бола ёшидаги аҳоли сонига 2,1 тадан 13,0 тагача тўғри келмоқда<sup>1</sup>. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...дунё бўйича 2025 йилга келиб инсулт касаллигининг кўпайиши, ушбу эпидемия билан курашиш бўйича фаол чоралар кўрилмаса, 30 % га касаллик ўсишини маълум қилинмоқда...»<sup>2</sup>. Инсулт касаллигини ўтказган болаларда неврологик етишмовчиликни прогноз қилиш имконияти, амалга оширилувчи терапевтик аралашувларнинг қонун-қоидаларини ишлаб чиқишда ёрдам беради. Шу билан бирга болалардаги инсулт, хусусан, инсултдан кейинги неврологик асоратлари ижтимоий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда болалардаги инсулт этиологияси, клиник кечуви ва генетик хусусиятларини намоён бўлишини таҳлил қилишга бағишланган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада церебрал инсулт билан оғриган беморларда фолат циклининг турли генлари (A2756G MTR, A66G MTRR ва C677T MTHFR) полиморфизмини аниқлаш; генлараро ўзаро таъсирларни таҳлил қилиш, генларнинг хусусиятларини асослаш; эрта ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашиш ҳамда, беморларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш чораларини белгилаш долзарб муаммолардан иборатдир. Инсулт ўтказган болаларда неврологик статусининг кўрсаткичларини асослаш, ҳамда болаларда ҳаракат, когнитив бузилишларни баҳолаш шкалаларини қўллашга қаратилган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари асосида ривожлантириш, болалар популяциясида учрайдиган инсулт касаллиги кўпайиши, ҳамда унинг оқибатида юзага келадиган турли даражадаги ногиронликнинг ва келгусида когнитив етишмовчиликни самарали ташхислаш ва даволаш ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолардан биридир. Бу борада «... тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилиш ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, «Она ва бола» ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш»<sup>3</sup>га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада аҳолига, айниқса

<sup>1</sup>National Stroke Foundation Clinical Guidelines for Stroke Management 2017

<sup>2</sup> World Health Report Geneva: World Health Organisation. Available from URL: <https://www.who.int/world-health-day/2017>

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.

болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш болаларда учрайдиган инсульт касаллигини эрта аниқлаш ва асоратларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, кейинчалик аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам тўлақонлигини ошириш, ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, ҳаёт сифати даражасини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикасини соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг VI – «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Болаларда церебрал инсультнинг тарқалганлиги, клиник жиҳатлари, ташхислаш, даво усулларини аниқлашга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган, жумладан ишемик инсультнинг хавф омиллари, касаллик патогенези механизмлари, ҳамда ирсий мойиллигини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш лозимлиги тасдиқланган (Зыков В.П., Комарова И.Б., 2017). Болалардаги ўткир ишемик инсульт касаллигини муҳимлиги, эрта болалик даврида юқори даражада тарқалганлиги, ҳамда унинг асосий хавф омили 50% ҳолларда бош мия қон томирлар артериопатияси ҳисобланган (International Pediatric Stroke Study-IPSS, 2016, K.-L.Chiang, 2018, Nikil K. Rajani et.al, 2018, Royal College of Paediatrics and Child Health, 2017). Болаларда инсультдан кейинги эпилепсияни ўз ичига олган турғун неврологик ва когнитив етишмовчиликлар кузатилиши аниқланган (Rivkin M.J. et.al,2016; Yvon E. et. al, 2018; Щедеркина И.О., 2018). Болалардаги инсультнинг келиб чиқишида генетик мойиллик ҳам асосий омиллардан бири сифатида келтирилган (Roach E.S. et.al,2017; Burdenny A.M. et.al, 2017), бу катта ёшдаги беморлар орасида ҳам касалликнинг келиб чиқишига асосий сабаб сифатида қайд қилинган. Инсультни келиб чиқишига мойил ирсий турларни аниқлаш, ташхислашни такомиллаштириш ва даволашнинг инновацион усуллари ишлаб чиқилган (Bigi S. et.al, 2011; Deveber G.A. et.al, 2019).

Инсультни ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган қатор илмий ишлар олиб борилган, жумладан чақалоқларнинг бош миясида қон айланишини ўткир бузилиши ва уларнинг асоратларини эрта

реабилитациясига қаратилган тадбирлар оптималлаштирилган (Садикова Г.К., Кадырова З.А., 2011). Перинатал ишемик инсульт бўлган болалар учун туғруқ жараёнининг бузилиши билан боғлиқ бўлган асфиксия, кардиологик бузилишлар энг аҳамиятли хавф омиллари бўлиб ҳисобланади. Геморрагик инсульт бўлган болаларда узоқ чўзилган сариклик синдроми энг юқори аҳамиятга эга эканлиги исботланган (Туляганова Н.М., 2018). Катталардаги ишемик инсульт бўлган беморларда тромботик асоратларнинг ривожланиши генетик механизмлар туфайли юзага келган. МТНFR (С677Т) ва РАІ-I (4G/5G) генларини ўрганиш, ишемик инсультни олдини олишда ва оғир тромботик асоратлар сонини камайтиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлган (Гафуров Б.Г., Мубараков Ш.Р., Бобоев К.Т., 2015)

Жаҳонда амалга оширилган тадқиқот натижалари таҳлилининг кўрсатишича, ҳозирги кунда болалардаги церебрал инсульт ва уларнинг асоратларига қарши курашиш замонавий неврологиянинг долзарб ва охиригача ҳал қилинмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан болалар неврологик амалиётига эрта мослаштирилган ташхислаш ва болаларда церебрал инсультнинг салбий оқибатларини прогнозлаш факторларини ишлаб чиқиш заруриятини тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.23.4 «Эрта ёшдаги болаларда инсультнинг патогенетик ташхислаш усулларини яратиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш» (2015-2017 йилларда) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** болаларда церебрал инсультнинг клиник-ирсий жиҳатларини умумий таҳлил асосида ўрганиш ва касаллик оқибатлари натижаларини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда церебрал инсульт давридан келиб чиққан ҳолда клиник-неврологик кўринишини, касалликнинг анамнестик, этиологик маълумотларини ва ёшга доир ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш;

церебрал инсульт ўтказган болаларда ҳаракат ва когнитив бузилишларни баҳолаш шкалаларини қўллаш (PSOM-SNE-инсульт оқибатларини баҳолашнинг педиатрик шкаласи);

болаларда церебрал инсульт туридан келиб чиққан ҳолда касаллик тузилмаси ва функционал ўзгаришларни неврологик ҳолат билан ўзаро боғлиқлигини, нейрорадиологик хусусиятлари ва уларнинг маълумот таркибини аниқлаш орқали таҳлил асосида аниқлаш;

ўзбек аҳолисида болалардаги турли хил инсультлар орасида фолат цикли (A2756G MTR, A66G MTRR и C677T MTHFR) генларининг полиморфизмини аниқлаш учун молекуляр-ирсий тадқиқотлар натижаларининг қиёсий таҳлил асосида аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2015-2019 йилларда 1-шаҳар болалар клиник шифохонасида церебрал инсультнинг эрта/кечки тикланиш ва асоратлар давридаги ҳаётининг 21 кунидан 18 ёшгача бўлган 193 нафар болалар ва назорат гуруҳи эса 105 нафар неврологик касаллиги бўлмаган соғлом болалардан ташкил этган.

**Тадқиқотнинг предмети:** веноз қон ва қон зардоби намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** клиник-неврологик, нейровизуализацион ва нейрофизиологик, генетик ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

болаларда ўтказилган церебрал инсультнинг клиник-неврологик манзараси бола ёшига, инсульт турига ва унинг кечиш даврига боғлиқлиги аниқланган;

болалардаги гемorraгик инсультнинг тикланиш даврида шайтонлаш, псевдобульбар синдромлар, ишемик инсульт ўтказган болаларда эса ҳаракат ва нутқ бузилиши синдромлари устун келганлиги аниқланган;

гемorraгик инсульт ўтказган болаларда ишемик инсульт ўтказган беморларга нисбатан сенсомотор, когнитив, хулқ-атвор соҳасида оғир неврологик етишмовчилиги кузатилиши исботланган;

илк бор церебрал инсульт ўтказган болаларда касаллик ривожланиш хавфи ва патогенезининг молекуляр-ирсий хусусиятлари (A2756G MTR, A66G MTRR и C677T MTHFR) аниқланган;

илк бор ўзбек популяциясидаги болаларда ишемик инсульт ривожланишида A66G MTRR ва C677T MTHFR генларининг полиморфизми фолат циклини бузилишига олиб келиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

болаларда церебрал инсульт оқибатларини баҳолашнинг марказий асаб тизими аниқ бир соҳасини (сенсомотор, когнитив, нутқ, хулқ-атвор) шикастланганлиги ҳақида шифокорларга маълумотлар етказиб берувчи PSOM-SNE шкаласини қўллаш тавсия қилинди, бу эса ўз вақтида даволаш муолажаларни ўтказиш учун касалликнинг салбий оқибатлари бўлган болаларни янада тўғри саралаб танлаб олишга ёрдам берган;

марказий асаб тизимининг барча тўрт соҳаларида етишмовчиликнинг мавжудлиги, МРТ\КТ нинг тегишли манзарасида оғир зарарланиш борлиги, генетик тадқиқот усуллари ёрдамида фолат цикли генлари полиморфизмини текшириш талаб этилган;

қайталанувчи инсульт ҳолатларида касаллик ривожланишининг этиологик омилларидан бири ҳисобланган наслий тромбофилияларни аниқлаш учун метилентетрагидрофолатредуктаза (MTHFR) и метионин синтаза (MTR) генларида мутацияланишни аниқлаш билан генетик текширишларни ўтказиш лозимлиги аниқланган;

фолат цикли генларида мутациялар аниқланганда қондаги фоллий кислотасини миқдорини аниқлаш ва кейинчалик (керак бўлса) буюриш тавсия этилган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий ишда назарий ёндашув ва тадқиқот дизайни, мақсад, вазифалар, ҳамда тадқиқот усулларнинг тўғри қўлланилганлиги, тадқиқотнинг статистик усуллари билан тўғри қайта ишланганлиги, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, шу билан бирга болалар инсульта оқибатлари бўйича олинган шкалаларни ташхислаш ва болаларда церебрал инсульт оқибатларини прогностлаш амалиётига тадбиқ этиш билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, касалликнинг турли босқичларида церебрал инсультни клиник-неврологик етишмовчиликлар ҳақидаги маълумотлар, нейрорадиологик хусусиятлари, ҳамда болаларда геморрагик инсульт (ГИ) ва ишемик инсульт (ИИ) оқибатлари ҳақидаги маълумотлар кўламини янада кенгайтирган, шунингдек илк марта замонавий молекуляр-ирсий технологиялар асосида церебрал инсультни болаларда ривожланишини прогностлаш, патогенетик жиҳатдан фолат цикли генларининг полиморфизм роли асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, болаларда церебрал инсульт оқибатларини баҳолаш учун мослаштирилган шкаласи церебрал инсульт касаллигини ўтказган болаларда салбий оқибатларини прогност қилиш учун фойдаланилади ва болалар инсульта оқибатлари предикторлари аниқ бир соҳасининг шикастланиши ҳақида маълумот тақдим этишда ёрдам беради, бу эса ўз вақтида даволаш учун болаларни тўғри саралаш танловига ёрдам берганлиги билан изоҳланади.

**Олинган натижаларнинг жорий қилиниши.** Болаларда церебрал инсульт патогенезининг клиник-генетик хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

«Болаларда церебрал инсульт оқибатларини баҳолашнинг модификацияланган шкаласи» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 8 июльдаги 8н-д/88-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда церебрал инсульт оқибатларини ўз вақтида прогностлаш, ҳамда сенсомотор, нутқ, когнитив ва ҳулқ соҳаларида, эҳтимол устун келувчи етишмовчиликдан бирининг устун келишини аниқлаш, ҳамда шундан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида даволаш ўтказиш учун тўғри саралаш танлов тузиш имконини берган;

болаларда церебрал инсульт патогенезининг клиник-генетик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш соҳаси амалиётига, жумладан Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 8н-з/126-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши орқали церебрал инсульт ўтказган болаларда нохуш оқибатларини тезлик билан олдиндан

аниқлашга, шунингдек профилактик чора тадбирларни ўз вақтида бошлашга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг чоп этилиши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакиллантирилган. Тадқиқотнинг объекти, предмети, услубий асоси ва назарий базаси, тадқиқот усуллари тасвири асослаб берилган, тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги келтирилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончлилиги ва асосланганлиги, уларни апробация ва жорий қилиш соҳаси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар акс эттирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда церебрал инсульт ҳақидаги замонавий маълумотлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётларнинг катта шарҳи келтирилган, унда болаларда церебрал инсультнинг этиологияси, патогенези, хавф омиллари, клиник-неврологик хусусиятлари ҳақидаги замонавий қарашлар акс эттирилган. Болаларда инсульт патогенезида молекулар-генетик жиҳатларининг илмий асосланган маълумотлари келтирилган. Церебрал инсульт оқибатларини баҳолаш учун халқаро шкалалар диагностик аҳамиятга эга.

Диссертациянинг иккинчи «**Шахсий материалларнинг умумий тавсифи ва тадқиқотнинг асосий усуллари**» бобида тадқиқотнинг материаллари ва усуллари, инструментал ташхислашнинг замонавий усуллари ёрдамида амалга оширилган клиник материалнинг умумий тавсифи, PSOM-SNE шкаласи ёрдамида инсультнинг турли даврларида мотор ва когнитив етишмовчиликни баҳолаш, тадқиқотнинг нейровизуализацион, генетик усуллари қўлланилган. Ушбу илмий иш 193 нафар церебрал инсульт ўтказган болаларнинг «бир маротабалик» ва «ҳолат-назорат» типидagi проспектив текшируви маълумотларига асосланган. Тадқиқотни амалга оширишда 2015–2019 йилларда ТВМОИ болалик даври асаб касалликлари кафедраси ходимлари ва Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси невролог мутахассислари кузатувидаги беморлар бўлган. Текширилганлар

орасида 123 нафар (63,7%) ўғил болалар ва 70 нафар (36,2%) қиз болалар бўлди. Беморларнинг ёши ҳаётининг 21-кунидан 18 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олган. Инсулт ўтказган асосий гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёш кўрсаткичи 27,3 (2,5; 39,8) ойга тўғри келди (Ме-медиана, Q<sub>1</sub>; Q<sub>3</sub>-квартиллараро кенглик).

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда барча беморлар қуйидаги гуруҳларга бўлинди. Биринчи гуруҳни КТ/МРТ усули ёрдамида тасдиқланган геморрагик инсулт (ГИ) билан оғриган 117 нафар (60,6%) 21 кунликдан то 18 ёшгача бўлган беморлар ташкил этди. Болаларнинг инсулт бўлган вақтдаги ўртача ёши – 2,06 ойлик, ушбу гуруҳда ўғил болалар сони 82 (66,6%), қизлар сони эса – 35 (28,4%) ташкил қилди. Иккинчи гуруҳни - ишемик инсулт билан касалланган 76 (39,4%)та 21 кунликдан то 18 ёшгача бўлган беморлар ташкил этиб, жинси бўйича биринчи гуруҳ билан мос бўлган . Ўртача ёш – 14,5 ойлик, ўғил болалар ва қиз болалар сони бир ҳил – 35 нафардан (50%) бўлган. Геморрагик ва ишемик инсулт даври бўйича беморларнинг тақсимланиши қуйидагича булган: эрта тикланиш даврда (21 кундан 6 ойгача) - 59 (50,4%) ва 23 (30,2%) ҳолатда; кечки тикланиш даврда (6 ойдан то 2 ёшгача) - 37 (31,6%) ва 21(27,6%) беморда; қолдиқ асоратлар даврида (касалликнинг бошланганидан 2 ва ундан ортиқ йилдан сўнг) - 21 (17,9%) геморрагик инсулт ҳамда 32 (42,1%) ҳолатда ишемик инсулт ўтказган беморлар ташкил қилди.



1-расм. Беморларни инсулт даври бўйича тақсимланиши (n=193)

Текширилаётган болалар гуруҳининг маълумотлари Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг болалик даври асаб касалликлар неврологияси кафедрасида инсулт бўлган беморлар учун ишлаб чиқилган касалликнинг стандартлашган касаллик тарихида қайд этилди ва

беморлардан анамнез йиғиш мобайнида касалликнинг даврига боғлиқ ҳолда соматик ва неврологик ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Олинган натижалар Statistical Package for Social Science-19 (SPSS, IBM, USA) дастурий мажмуасини қўллаган ҳолда статистик таҳлил қилинди. Гуруҳларда текширилаётган миқдорий кўрсаткичлар тақсимланишининг нормал тақсимланиш билан мослигини текширишда Колмогоров–Смирнов мувофиқлик мезонидан фойдаланилди. Икки кўрсаткич ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш мақсадида Спирмен корреляцияси нопараметрик коэффициенти (rs) қўлланилди. Узлуксиз миқдорий маълумотлар таърифий статистикаси: нормал тақсимланишда ўртача қиймат (M), стандарт чекланиш қиймати ( $\pm SD$ ) ва ўртача қийматнинг стандарт хатолиги (m) кўринишида; шунингдек, нормадан фарқли жойлашувда медиана (Me), қуйи ( $Q_1-25\%$ ) ва юқори ( $Q_3-75\%$ ) чораклар қиймати кўринишида тақдим этилди. Барча тестлар учун статистик кўрсаткич  $p < 0,05$  даражаси билан тан олинди.

Диссертациянинг «**Болалардаги церебрал инсультнинг PSOM-SNE шкаласи билан клиник-анамнестик ва инструментал текшириш натижаларининг ўзаро боғлиқлиги**» учинчи бобида қуйидаги кўрсаткичларни баҳолаш амалга оширилди: ёш ва жинсий ўзига хосликларни, онанинг ҳомиладорликгача ва ҳомиладорлик даврида ўтказган касалликлари, касаллик даврига боғлиқ ҳолда неврологик ўзгаришлар, шу билан бирга бош мия қон айланиши бузилишининг кўринишига боғлиқ ҳолда церебрал инсульт оқибатларини баҳолаш амалга оширилди.

Болалардаги церебрал инсультни хавф омили сифатида онанинг ҳомиладорликгача бўлган соматик саломатлиги ва бошдан кечирган касалликларининг таҳлили мобайнида болаларда ГИ ҳолатида 37,9% ва ИИ ҳолатида 25% буйрак касалликларининг, ҳамда ИИ ҳолатида 38,2% ва ГИ ҳолатида 27% эндокрин патологияларнинг устунлиги қайд этилди. Ҳомиладорликгача ўтказилган вирусли гепатитлар ГИ касаллигида 30,8% ҳолатларда, ҳомиладорлик даврида ўткир/сурункали TORCH инфекциянинг мавжудлиги ИИ касаллигида 30,3% ҳолатларда кузатилди, бу эса ўз навбатида кейинчалик цереброваскуляр бузилишларнинг инфекцион генези мавжуд бўлиши мумкинлигини инкор қилмайди. Иккала гуруҳда ҳам анемиянинг (кам қонликнинг) устун эканлигини қайд этиш мумкин (55,3% ва 61,5%). Бу қон айланишининг бузилишларнинг хавфли омили сифатида хизмат қилиши эҳтимоли бўлиб, шу билан бирга сурункали гипоксия омилининг келиб чиқишини таъминлаши мумкин.

1-жадвал

**Бош мия шикастланган ярим шари ва ҳаракат бузилишлари ўртасидаги боғлиқлик**

Ҳаракат бузилишлари	Ўнг ярим шар		Чап ярим шар		Иккала ярим шарлар	
	ГИ	ИИ	ГИ	ИИ	ГИ	ИИ

Гемипарез D	5 (20,8%)	0 (0%)*	22 (57,8%)	19 (70,3%)*	3 (10,3%)	3 (21,4%)
Гемипарез S	13(54,1%)	17 (85%)*	5 (13,1%)	6 (22,2%)*	8 (27,5%)	7 (50%)
Тетрапарез	3 (12,5%)	1 (5%)	10 (26,3%)	0 (0%)*	15 (51,7%)	4 (28,5%)

Изох. Гуруҳлараро фарқлар ишончилиги даражаси: \* ( $\chi^2$ - 16,572;  $p < 0,001$ )

Биз томондан церебрал инсульт ривожланишининг боланинг туғилишдаги гестацион ёшига боғлиқлиги таҳлил қилинди. 28,9% ҳолатларда ишемик инсульт муддатидан аввал туғилган чақалоқларда кузатилди. Беморларнинг аксарият сони (82,1% ГИ ва 69,7% ИИ) 38-42 ҳафталик гестация даврида туғилганлар, бу эса ўз муддатига етиб туғилган чақалоқ ўлчамларига тўғри келади. Шунини қайд этиш керакки, текширалаётган гуруҳларда боланинг муддатидан аввал ёки муддатидан ўтиб туғилишининг касаллик манифестациясига таъсири кузатилмади, бу эса адабиёт маълумотлари билан деярли корреляцияланади.

Церебрал инсульт ўтказган беморларни синчковлик билан текширилганда ўчоқли симптомлардан ҳаракат етишмовчилиги, марказий генезли нимфалажлар ва фалажлар устун бўлгани аниқланди.

1-жадвалдан кўриниб турганидек, беморларнинг иккала гуруҳида ҳам ўчоқнинг чап томонга жойлашишида кўпроқ ўнг томонлама гемипарез (57,8% ГИ ва 70,3% ИИ) қайд қилинган. Чап томонлама қўл ва оёқларда ҳаракатларининг чегараланиши мувофиқ ҳолда 13 (54,1%) ва 17 (85%) ҳолатларда қайт этилди ( $\chi^2$ - 16,572;  $p < 0,001$ ). Ҳаракат етишмовчилигининг оғир кўринишидаги тетрапарез иккала ярим шарларда ўчоғ жойлашган болаларда аниқланди, хусусан, геморрагик инсультда 51,7% ҳолатларда қайд этилди.

Болалардаги инсультнинг турли босқичларидаги неврологик етишмовчилик таҳлилида, касалликнинг тикланиш даврида клиник симптом ва синдромлар оғир кечишини кўрсатди. ГИ эрта тикланиш давридаги неврологик етишмовчилик кўпинча ҳаракат бузилишлари синдроми (79,6%), псевдобульбар (72,4%) ва талваса синдромларининг (69,4%) биргаликда келиши, бу синдромлар қўл-оёқларнинг нимфалаж ва фалажи, ютинишнинг қийинлашиши, ҳамда талвасалар билан биргаликда учраши кузатилди. ИИ гуруҳидаги беморларига келсак, эрта ва кечки тикланиш давларида юқорида келтирилган синдромлар билан биргаликда клиник синдромлардан юз нервининг марказий турининг шикастланиш синдромлари (70,2% ва 66,6%) устун бўлган. Беморларни динамик кузатиш жараёнида қолдиқ асоратлар даврида, яъни церебрал инсультдан кейин 2 йил ва ундан ортиқ ўтгач, иккала текширилаётган гуруҳларда ҳам ўчоқли мотор неврологик етишмовчилик мавжудлигини кўрсатди (100% ва 96,7%).


Бош мия қон айланишининг ўткир бузилишини кўзғатувчи омили сифатида хизмат қилган структуравий генезли инсультдан кейинги эпилепсия, қолдиқ асоратлар даврида ҳар учинчи беморда кузатилди. Биз томондан а/дисфазия кўринишидаги нутқ бузилишлари синдроми, кўп ҳолатларда ўтказилган церебрал инсультнинг қолдиқ асоратлар даврига

мувофиқ ҳолда 38% ГИ ҳолатида ва 35,4% ИИ ҳолатида юзага келиши аниқланди.

Олинган маълумотлар касалликнинг ҳамма даврида мотор етишмовчилик, айниқса болаларда инсультнинг қолдиқ асоратлар даврида доимий ҳаракат етишмовчилиги устунлигидан далолат беради, бу эса ўз навбатида касалликнинг эрта босқичларида терапевтик чора тадбирларни режалаштиришда беморларни эрта реабилитация қилишни жорий қилиш зарурлигини кўрсатади.

Илмий-тадқиқот ишлари жараёнида инсультнинг эрта/кечки тикланиш ва қолдиқ асоратлар даврида 93 нафар беморда неврологик оқибатларини мотор ва когнитив соҳаларни динамик баҳолаш шкаласи қўлланилди (PSOM-NSE халқаро шкаласи). Церебрал инсульт ўтказган беморларнинг ўртача ёши –36,9 (10,5; 48,0) ойни (Me-медиана, Q<sub>1</sub>; Q<sub>3</sub>-квартиллар оралиғи) ташкил қилди. Текширилганларнинг ҳаммасида ҳаракат бузилишлари қайд этилди, хусусан: монопарез 4 нафар (4,3%) беморда, гемипарез 79 нафар (84,9%) ва тетрапарез 10 нафар (10,8%) беморда аниқланди.


Болалар инсулти оқибатларини баҳолаш PSOM-SNE халқаро шкаласи ёрдамида бешта соҳада (чап ва ўнг сенсомотор етишмовчилик, нутқ маҳсулотининг бузилиши, нутқни тушунишнинг бузилиши, когнитив ёки ҳулқий бузилишлар) баҳолаш амалга оширилди. PSOM-SNE касаллик оқибатлари шкаласи қўлланилганда сенсомотор соҳада ишемик инсульт ўтказган 1 та беморда ва геморрагик инсульт ўтказган битта беморда сенсомотор етишмовчилик йўқлигини аниқланди. Енгил сенсомотор етишмовчилик 8 нафар геморрагик ва 6 нафар ишемик инсульт ўтказган беморларда аниқланди. Ўртача сенсомотор етишмовчилик геморрагик инсульт ўтказган беморларда 32 ҳолатда, 22 ҳолатда эса ишемик инсульт ўтказган болаларда аниқланди. 13 нафар геморрагик инсульт ўтказган, ҳамда 10 нафар ишемик инсульт ўтказган беморларда оғир сенсомотор етишмовчилик кузатилди.



**2-расм.** Инсулт тури бўйича гапириш ва нутқ қобилиятининг бузилиши оқибатлари.

Нутқ танқислигининг таҳлили мобайнида (гапириш ва нутқ қобилиятининг бузилиши) геморрагик инсултли беморлар гуруҳида ўртача (23 ҳолатда) ва оғир даражадаги (19 ҳолатда) етишмовчиликка эътибор қаратиш лозим (2-расм). Шунини қайд этиш керакки, ишемик инсултли гуруҳнинг 12 нафар болаларида гапиришида ўзгариш йўқ, ҳамда қолган беморларда нутқ танқислигининг енгил, ўртача ва оғир кўриниши бир хил сонда аниқланди. Нутқ танқислигини баҳолашда (тушуниш) геморрагик турдаги инсултда 19 нафар беморда мотор ва сенсомотор афазиялар устунлиги билан нисбатан янада оғир етишмовчилик аниқланди (3-расм).

Бундан ташқари, геморрагик инсултнинг 6 ҳолатида – тушунишда нутқ танқислиги кузатилмаган, бу эса касалликнинг нутқ соҳасида ижобий якунидан далолат беради. Ишемик инсултларга келсак, оқибатларни баҳолаш шкаласини манзарасида нутқ танқислиги-гапириш билан ўхшашдир.



Изоҳ. Гуруҳлараро фарқлар ишончилиги даражаси:  $\chi^2 = 8,507$   $df = 3$ ,  $p=0,03$

**3-расм.** Инсулт тури бўйича нутқ танқислигини(тушуниш) оқибатлари.

Корреляцион таҳлил жараёнида нутқ танқислиги (тушуниш) ва нутқ танқислиги (гапириш (дизартрия бундан мустасно)) ўртасида боғлиқликнинг юқори даражада аҳамиятли ўртача ижобий боғлиқлиги аниқланди -  $\chi^2 = 5,258$   $df = 2$ ,  $p=0,15$ .

PSOM-SNE шкаласи бўйича когнитив ва ҳулқ-атвор танқисликларни таҳлил этиш мобайнида шуни қайд этиш керакки, иккала текширилувчи гуруҳларда ушбу соҳаларнинг ўртача даражадаги етишмовчилиги устунлик қилди (ГИ – 15 ва ИИ 22 ҳолатларида). Когнитив танқисликнинг нутқ, гапириш ҳамда тушунишга таъсири юқори даражада аҳамиятли ўртача ижобий боғлиқликни кўрсатди  $\chi^2 = 5,258$   $df = 2$ ,  $p=0,15$ , демак, инсулт билан оғриган болаларнинг когнитив танқислиги қанчалик юқори даражада бўлса, танқислик ҳам шу даражада юқори бўлар экан.

Шу тарзда, церебрал геморрагик инсулт билан оғриган болаларда, оқибатлар шкаласи натижаларига мувофиқ, мотор ва сенсомотор афазияларнинг устунлиги билан ўртача ва янада оғирроқ етишмовчилик сифатида баҳоланувчи сенсомотор, когнитив ва ҳулқ-атвор соҳаларда янада юқори даражадаги оғир танқислик аниқланди. Геморрагик инсултлар билан таққослаганда ишемик инсулт ҳолатида танқисликга мувофиқ ҳолда нисбатан паст даражада намоён бўлган.

Ташхисни верификациялаш, ҳамда геморрагик ва ишемик церебрал инсултнинг структур ўзгаришларини аниқлаш учун, асосий гуруҳнинг 166 нафар (86%) беморларига ( $n=193$ ) касалликнинг турли даврларида МРТ/КТ текширишлари ўтказилди. Кўп ҳолларда МРТ текширувида ГИ билан



оғриган 37,6% ва ИИ билан оғриган 31,5% болаларда кистоз дегенерация устун бўлган. Бизнинг натижаларимизга кўра, МРТ ва КТ белгилари инсултнинг турига боғлиқ ҳолда статистик ишончли бир биридан фарқ қилган, хусусан: геморрагияларнинг мавжудлиги (ГИ – 41%; ИИ – 1,3%;  $\chi^2=38,353$   $p<0,001$ ), глиоз майдонлари (ГИ-5,1%; ИИ-17,1%-  $\chi^2 =7,447$   $p<0,006$ ), ишемия (ГИ–6,83%; ИИ-17,1%  $\chi^2=5,009$   $p<0,025$ ), энцефаломалация ( ГИ-2,5%; ИИ-13,1%;  $\chi^2=8,231$   $p<0,004$ ), чандиқ-атрофик ўзгаришлар (ГИ-6,83%; ИИ-17,1%  $\chi^2=5,009$   $p<0,025$ ), кадоксимон тана гипогенезияси (ГИ-5,1%; ИИ-0%  $\chi^2=4,022$   $p<0,045$ ).

Статистик таҳлил жараёнида инсулт турлари ва бош мия бўлаклари бўйича ўчоқларнинг жойлашуви ўртасида бош миянинг кўп ўчоқли шикастланиши аниқланди, гуруҳлараро фарқлар ишончилиги даражаси  $p<0,05$ . Шунини қайд этиш керакки, кўпинча бош мия чакка соҳаси ГИ 10,2% ҳолатида ва ИИ 13,1% ҳолатларда шикастланиши қайд этилади, бунда кўпинча зарарланиш чап томонда кузатилади. МРТ маълумотларига кўра инсулт тури ва бош мияни қон билан таъминлашнинг зарарланган соҳасининг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш, бош мияни аралаш ҳовузини қон билан таъминлашини шикастланишининг бунда 29 ҳолат (24,7%) устунлигини кўрсатди, ГИ 22 ҳолатда (28,9%) ИИ кузатилди. Зарарланиш томонига тўхталсак, бунда чап томон зарарланиши устун эканлигини кузатамиз (32,47% ГИ; 35,5% ИИ

Церебрал инсулт клиник оқибатларининг таҳлилида, церебрал инсултларнинг оғир оқибатларида, айнан невростатусида геми/тетрапарезлари инсултдан кейинги оғир резистент эпилепсия билан бирга келган ҳолатлар бўлган болалар ИИ билан оғриган 28 нафар (14,5%) бемор билан таққослаганда одатда ГИ билан оғриган болалар гуруҳида кўпроқ учраган – 42 нафар (21%). ).

Беморлар орасида инсултнинг ўртача оғирлик ва оғир кечиши шу каби ГИ билан оғриган болалар гуруҳида 56 ҳолатда (29%) устунликда кузатилган, ҳамда инсулт касаллиги юзага келган вақтда беморларнинг ўртача ёши  $6,3 \pm 1,4$  ойликни ташкил қилган. Ҳам оғир ва ўртача оғирликдаги ҳолатларда ўчоқнинг чап томонлама жойлашиши кузатилди. Церебрал инсулт касаллигининг енгил шакли билан оғриган беморлар гуруҳида, уларнинг ўртача ёши  $-10,9 \pm 5,6$  ойлик бўлиб, ГИ (10 та назоратда – 5,1%) билан таққослаганда ИИ билан оғриган беморлар (12 та назоратда – 6,2%) сони устун бўлган.

ИИ билан оғриган болаларда касалликнинг нисбатан ижобий кечиши (12 нафар беморда – 6,2%) билан таққослаганда ўта оғир кечиши (51 нафар беморда – 43,5%) сонининг кўплиги ГИ билан оғриган беморлар гуруҳида кўпроқ кузатилди.

Умуман олганда болаларда церебрал инсултларнинг салбий оқибатини асосий прогноз белгиси бу қон-томир шикастланиши вақтида бош мия иккала ярим шарларининг зарарланиши бўлиши мумкин. Биз ўтказилган

церебрал инсултдан кейинги нейрорадиологик тузилмалар ўзгаришларини PSOM-SNE ҳалқаро шкала натижалари билан таққослашни амалга оширдик.

Церебрал инсултлар оқибатларини баҳолаш шкаласи бўйича тўртта соҳада, қайта тикланиш ва касалликнинг якуний даврларида 93 нафар болаларда баҳолаш ўтказилди. Касалликнинг қайта тикланиш ва якуний даврида бажарилган нейровизуализациядан биз олган натижалар аксарият ҳолатларда МРТ маълумотларига кўра бош миянинг кўп ўчоқли шикастланиш характериға эға бўлган. Шундай қўлланилган шкалага кўра, ўртача ва яққол намоён бўлган когнитив етишмовчиликлар нисбатан кўпроқ учровчи беморларда пешона-бош суягининг тепа қисми-чакка бўлимларининг иштироки билан диффуз характеридаги шикастланиш ўрин олган. Агар ушбу ҳолатларда касаллик прогнози ҳақида сўз юритадиган бўлсак, касалликнинг салбий когнитив оқибатини тахмин қилиш мумкин ( $\chi^2=39,136$ ,  $p=0,062$ ). Пешона, чакка ёки энса қисмларидаги изоляцияланган ўчоқли шикастланишлари бўлган беморларда инсулт оқибатларини баҳолаш шкаласи бўйича когнитив соҳадаги етишмовчилик қайд қилинмади, бу эса ўз навбатида кичик ёшдаги болаларда юқори даражадаги мослашиш ва компенсаторлик қобилиятидан далолат беради.

Сенсомотор етишмовчилик натижаларини шкала бўйича ва МРТ текширувида бош мия бир қисмға оид структуравий ўзгаришларини таҳлил қилиш давомида аксарият ҳолатларда (9,2% ҳолатлар) гардан қисми шикастланиши ва сенсомотор етишмовчиликларнинг биргаликда уюшиб келиши аниқланди, бу эса ўз навбатида таҳлил этилаётган соҳада касалликнинг ижобий якунининг элчиси ҳисобланади.

PSOM-SNE шкаласи бўйича гапириш ва нутқ қобилиятининг фаолиятиға нисбатан шуни қайд этиш керакки нутқининг оғир дараждаги бузилишларида (тушуниш ва гапириш) 11 нафар (39,2%) церебрал инсулт билан оғриган беморда бир хил частота билан магнитли-резонанс томографияда аниқланган бош мия пешона-бош суяги тепа қисми чаккасининг шикастланиши кўринишидаги бузилишлар учраган. Шу билан бирға, алоҳида қайд этиш керакки, нутқнинг минимал бузилишлари (гапира олиш ва тушуниш) бўлган беморларнинг чакка ва бош суягининг тепа қисми соҳаларида алоҳидаланган шикастланишлар шкаладан олинган маълумотларға кўра кузатилмаган. Шу тарзда, неврологик етишмовчиликнинг барча тўрттала соҳадаги энг кўп учрайдиган тури бу бош миянинг пешона-бошнинг тепа қисми-чакка қисмларининг шикастланиши ҳисобланади, ҳамда болалардаги церебрал инсулт касалликларининг салбий якунининг келажакдаги белгиси деб ҳисобланиши мумкин.

Диссертациянинг «**Болаларда инсулт касалликларини ташхислашда MTHFR (C677T), MTR (A2756G), MTRR (A66G) генларининг полиморфизми вариантларининг аҳамияти**» деб номланган тўртинчи бобида церебрал инсултнинг геморрагик ва ишемик инсулт турлари билан оғриган болаларда флот цикли A2756G MTR, A66G MTRR ва

C677T MTHFR генлари полиморфизми молекуляр-генетик таҳлилининг натижалари келтирилган. Молекуляр-генетик тадқиқотлар ЎРССВ гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти молекуляр тиббиёт ва хужайра технологиялари бўлимида бажарилди (раҳбар, профессор Каримов Х.Я.).

MTR гени A2756G полиморфизми аллеллари ва генотипларининг тақсимланиш частотасининг таҳлилида бемор болаларнинг асосий гуруҳида А аллель частотаси 76,7%, G аллель частотаси эса – 23,3% ташкил қилади; бунда минорли G тури популяция гуруҳ ва ўзаро статистик аҳамиятли фарқларсиз ИИ (18,2%) билан таққослаганда бир оз кўпроқ ГИ ўтказган болаларда (27,2%) учрайди. ГИ беморлар гуруҳида АА гомозиготалари 52,6%, гетерозиготалар эса – 40,4% ва GG гомозиготлари – 7 фоизни, ИИ беморлар гуруҳида эса мувофиқ ҳолда 63,6%, 36,4% ва 0% ташкил қилади.

